

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 24 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (10.949)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда кўҳна шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган ашула ва рақс дасталарининг кўрик-фестивали бўлиб ўтди. «Самарқанд садолари» деб номланган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар ашула ва рақс дасталари жамоалари иштирок этди.

● Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туманларда голибликни қўлга киритган санъаткорлар Ватан, Мустақиллик, тинчлик ва эзгулик куйланган кўшиқлари билан ўз истеъдодини намойиш этди.

● Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб танлов ташкил этди.

● Термиз шаҳрида «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда наодват нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзуда семинар ўтказилди.

● Андижондаги олий ўқув юр்தларининг 749 нафар талабаси ёзги таътилни «Бунёдкор ёшлар — 2007» меҳнат отрядларида ўтказмоқда.

● «Навоийазот» акциядорлик жамияти халқ истеъмоли молларининг янги турларини ишлаб чиқармоқда. Чунончи, яқинда «DeMos» дезинфекция қилувчи ювувчи воситанинг дастлабки таҳриба туркуми савдога чиқарилди. Истеъмолчилар хориждаги шундай маҳсулотдан қолишмайдиган янги ювувчи восита сифатини яхши баҳоладилар.

● Қизилтепа туманидаги «Ипакчи» МЧЖ негизда «Мала-бар Силк» қўшма корхонаси ишга туширилди. 100 тоннадан зиёд пиллани қайта ишлаш қувватига эга янги корхонада 110 киши ишли бўлди. Жорий йилнинг ўзида бу ерда 320 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

● Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонасида энг замонавий асбб-ускуналар билан жиҳозланган 200 ўринли янги цехни бунёд этишга киришилди. Ҳозирда қўшма корхонада мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган.

## ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон тарихида илк бор аёл киши мамлакат Президенти этиб тайинланди. Роҷистон штатининг собиқ губернатори 72 ёшли Протибха Пател хоним 19 июль кунини бўлиб ўтган президентлик сайловларида сайловчиларнинг кўпчилик овозига эгалик қилиб асосий рақиби — вице-президент Бхайрон Сингх Шетховатни орта қолдириб кетди.

● Буюк Британиянинг собиқ бош вазири, ҳозирда БМТнинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили сифатида фаолият юритаётган Тони Блэр кеча ушбу ҳудудда тинчликни таъминлаш масалалари юзасидан Исроилга келди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес ўзига ҳамда мамлакат ҳукуматиға очикдан-очик қарши кайфиятда бўлган барча хорижликларнинг мамлакатдан чиқариб юборилишини билдирди.

● Италиянинг марказий шаҳарларидан бири — Перужада террорчиларни тайёрлаш лагери фож этилди. Шаҳарда олиб борилган «ХАММ» операцияси давомидда мамлакат ички ишлар ходимлари маҳаллий масжид имоми ва унинг икки ёрдамчисини қўлга олишди. Маълум бўлишича, келиб чиқиши марокашлик бўлган ушбу шахслар масжидда террорчиларга портлатиш мосламалари яшаш ва гаровга олиш сирларини ўргатиб келишган.


● Ҳитой шимолий-ғарбида юз берган Рихтер шкаласи бўйича 5,7 баллик zilzila туфайли 2100 та уй бутунлай вайронга айланган. Маълумотларга кўра zilzila юз берган ҳудуддан 8250 киши хавфсиз жойларга қўчирилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳаётдан кўз юмганлар йўқ.

● Буюк Британияда бир неча кундан буён тинимсиз ёмғирлар ёғиши оқибатида Темза дарёси сатҳининг кескин кўтариллиши Жанубий Англияда катта ноқулайликларни юзага келтирди. Хусусан, Лондондаги юзлаб уйлар сув остида қолди, метронинг бир неча станциялари ёпилди. Айрим районларда поездларнинг ҳаракати тўхталган. Ёмғирларнинг яна бир неча кун давом этиши айтилмоқда.

● Грецияда ҳавонинг кескин исиб кетиши бир неча ўнлаб ўрмон ёнғинларини келтириб чиқарди. Хусусан, ёнғинни ўчириш пайтида битта вертолётнинг қулаб тушиши оқибатида унинг бортидаги икки киши ҳаётдан кўз юмган.


● «Jetstar» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти Индонезиянинг Бали оролидаги «Генсапар» аэропортига фавқулодда ҳолатда қўнишга мажбур бўлди. Айтиш керакки, бортида 302 йўловчи бўлган ушбу ҳаво кемаси қатновни амалга ошираётганида двигателларидан бири ишламай қолган. Самолёт йўловчиларининг барчаси соғ-омон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. ТАРИХ УЧУН ҚИСҚА БИР ЛАҲЗАГА ТЕНГ ШУ ДАВР МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ УЛКАН ИТУҚЛАРГА ЭРИШДИ. БУЮК ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ШУ КУНЛАРДА ЖОЙЛАРДА ЎТАЁТГАН «БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ» ШИОРИ ОСТИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИЙ ТАДБИРЛАРДА, МАҲАЛЛАЛАРДАГИ УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАРДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА. ҚУТЛУГ БАЙРАМ АРАФАСИДА ПОЙТАХТИМИЗ ТОБОРА ГЎЗАЛЛАШИБ, ЧИРОЙ ОЧИБ, ФАЙЗ ВА ШУКУҲГА ТўЛИБ БОРМОҚДА.**



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА, МАҲАЛЛАЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, шаҳримизда турар жойлар, корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва гузарлар, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг куз-киш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, кўп қаватли уй-жойларда ҳамда улар атрофида орасталаш ишларини амалга ошириш, аҳолига ҳар томонлама қулайликларни яратиш мақсадида қабул қилинган Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллик байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида умумшаҳар ободонлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра пойтахтада умумшаҳар ободонлаштириш икки ойлиги эълон қилинган эди.

Бинобарин, орадан қисқа муддат ўтганига қарамай бугунги кунда шаҳримизнинг қай бир гушаси, маҳалласи, олий ўқув юрти, корхона ёки ташкилоти — қаерга борманг ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларининг қизгин давом этаётганининг

гувоҳи бўласиз. Шаҳримиздаги маҳаллаларга асфальт ётқизибли, текисланмоқда, яшил дов-дарахтлар буталиб, уларга чиройли шакл берилмоқда. Кувонарли томони шундаки, кўпчилик маҳаллаларда ҳаҳарлар уюштирилиб, ободончилик ва орасталаш ишларига катта ҳисса қўшилмоқда. Кўп қаватли уйлардаги уюшқоқлик билан амалга оширилаётган ишларга ҳам кўз ташлаган ҳолда беихтиёр тасаннолар айтасан киши.

— Ёшим саксондан ошган бўлса-да, фақат Мустақилликка эришганимиздан

сўнггина шаҳримиз, маҳаллаларимизда миллий кадриятларимиз, маънавиятимиз, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларига шунчалик катта эътибор берилётганини кўриб турибман, — дейди табаррук отахон Зикрихўжа Қамолхўжаев. — Айниқса маҳаллалар кўчаларининг текис асфальтланishi кишини қувонтиради. Истагим шаҳримиз янада чирой очиб, обод бўлиб бораверсин. Бундай хайрли ишларга ҳаммамиз ҳисса қўшишимиз лозимлиги ҳақдаги фикрларни қўллаб ҳамшаҳарларимиз билдирмоқдалар.

**АЗИС ҲАМШАҲАРЛАР ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗНИ ҲАР БИР СОҲАДА ЎЗИГА ХОС ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШИМИЗГА ҲАМ ҚИРҚ КУНДАН ОЗ ВАКТ ҚОЛИБДИ. БУ ДЕМАК БАРЧАМИЗ БИР ЁҚАНДА БОШ ЧИҚАРИБ ШАҲРИМИЗНИНГ БУНДАН-ДА ОБОД, ШУКУҲЛИ, БЕТАҚРОР ҚИЁФА ҚАСБ ЭТИШИГА ЯНАДА КЎПРОК КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚўШИМОҒИМИЗ КЕРАК. ҲАР БИР КЎЧА, ҲАР БИР УЙ АТРОФИ ОРАСТА ВА ЧИРОЙЛИ БЎЛСА, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ АТРОФЛАРИ ЯШНАСА АЛБАТТА ДИЛЛАР НУРАФШОН БЎЛАДИ.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мухим стратегик тармоқлар корхоналарининг устив жамғармаларида давлат улусини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар тасдиқлансин:

давлат активлари очик савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати, 1-иловага мувофиқ;

Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан давлат акциялари пакетлари, жумладан назорат пакетлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича очик инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан савдоларда сотиштириш лозим бўлган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятларининг рўйхати, 2-иловага мувофиқ;

барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан қурилиш тугалланмаган корхона ва объектлар рўйхати, 3-иловага мувофиқ;

Давлат тендер комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси иштирокида 1-иловага киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш натижаларига кўра, инвесторлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан уларни бепул сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга руҳсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлари, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1-3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ва бошқа давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).

## АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИ ВА РЕСПУБЛИКА ҲАРБИЙ СУДИ ТОМОНИДАН «ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ Тўғрисида»ги ва «ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ Тўғрисида»ги ҚОНУНЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИ АМАЛИЁТДА ҚўЛЛАШ ТАРТИБИГА БАРИШЛАШТИРИШ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ - ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ВА ҲАРБИЙ СУД МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори ўринбосари - Республика Ҳарбий прокурори, адлия генерал-майори Шухрат Узоқов, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси, адлия подполковниги Савронбек Турсунов, Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия подполковниги Аслам Холиқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Буни ушбу йўналишда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва уларнинг ижроси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қайд этилганидек, қонунчилигимиздаги ўлим жазоси билан боғлиқ жараён босқичма-босқич ислох қилинди. Истиқлолимизнинг илк йилларида жиноят қонунчилигида ўта оғир 33 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, ўтган давр мобайнида бундай моддалар сонини муттасил қисқартириб борил-

ди ва 2003 йилгача бундай жазони назарда тутувчи фақат иккита мода қолди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган Фармониға биноан 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бутунлай бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади.

Қонунчилигимизга давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармонидан келиб чиқиб киритилган ўзгаришларга асосан, Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят — жазони оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин. Бироқ, мазкур жазо хотин-қизлар, ўн саккиз ёшга тулгунча жиноят содир этганлар, олтимиш ёшдан ошган шахсларга ва тугалланмаган жиноятлар учун қўлланилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган Фармонига асосан давлатлик тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Суднинг жиноят-процессуал қонунчилигида белги-

ланган ваколатлари кенгайтирилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тартибидеги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган ҳамда апелляция судларига берилди. Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда хиб-сга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу инсон манфаатлари ва кадр-қиммати улуғланадиган юртида адолат ва инсонпарварлик мезонларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Семинарда қайд этилганидек, ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, Ҳарбий прокуратура ва Ҳарбий суд ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Қизгин Рустам Абдуллаев, - 2008 йил 1 январдан эътиборан дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Суднинг жиноят-процессуал қонунчилигида белги-

## Қасқа сатрларда

● **ҲАМЗА** туманидаги «Янгиобод» маҳалласида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир «Менинг маҳаллам» деб номланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида Миробод туманидаги «Оқ уй», «Файзиобод» ва Баротхўжа номидаги маҳаллаларда яшовчи болажонлар Тошкент планетарийсига экскурсия уюштирилди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН»** нашриёти Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига тухфа сифатида кўҳна шаҳар тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи иккита фотоальбомни нашрга тайёрлади.

● **МИРЭО** Улуғбек туманида туман маҳаллалари фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «Маҳаллам — фаҳрим» деб номланди.

● **МИРОБОД** туманидаги 28-мактаб қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчилари «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида Тошкент Санъат музейига сажхат қилишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** икки ҳафта давом этган «Ахборот асри қизлари» кўрик-танлови доирасида якуний тадбир ўтказилиб, голиблар тақдирланди.


● **СЕРГЕЛИ** туманида «Қамолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ҳамда туман «Файзли она» маркази ҳамкорликларида «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда фаол ёшлар иштирок эттишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 25 июль кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундиға 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.





# АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УҲҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

**“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ БУГҮН ХАЛҚАРО АВИАТАШИШЛАР БОЗОРИДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАБ ТУРИБДИ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯ МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШИ ТУФАЙЛИ СОҲАДА БИР ҚАТОР ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРДИ.**

Бунинг учун ҳаво кемалари парки янгиланди, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди ва бутун Ўзбекистон ҳудудида МДХда ҳаво қатнови ни бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими такомиллаштирилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича компаниянинг ўз базаси яратилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланиши учун имкон яратди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш соҳасида бир неча бор нуфузли мукофотларни қўлга киритди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг фуқаро авиацияси соҳасида танлаган стратегиясининг тўғрилигини исботлайди. Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида ўтказилган, 2007 йил биринчи ярим йиллиги натижалари сарҳисоб қилинган йилгиликда шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Авиаконпания матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ўтган олти ой мобайнида 11069 та ҳаво қатнови амалга оширилган. Бу 2006 йилнинг шу даврига қараганда 409 тага кўпдир. Йўловчиларни ташиш 16, юк ташиш 19,4 фоизга ўсди.

Янги йўналишларни очиб бўйича аниқ йўналтирилган ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг олти ойида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиаконпанияси Сочи ва Қоҳирага мунтазам парвозларни амалга ошира бошлади. Нью-Йорк, Тель-Авив, Бангкок, Бишкек, Санкт-Петербург, Самарқанддан Санкт-Петербург ва Москвага парвозлар сони кўпайтирилди. Термиздан Москвага ҳам қатнови йўлга қўйилди. Тошкент — Ашхабад, Тошкент — Киев ва Тошкент — Симферополь авиайўналишлари бўйича парвозлар сонини кўпайтириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида Тошкент — Милан (Италия) йўналиши бўйича илк парвоз амалга оширилади.

Бундан ташқари, электрон чипталар тизимини жорий этиш истиқболдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Авиаконпания 2008 йил бошида электрон тикетининг жорий этишни режалаштирмоқда. Бунинг учун ҳозир жаҳон авиаташишлари сотиш тизимларида “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд барча тарифлар чоп этилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонаси учун ҳам самарали бўлди. Италиянинг “Air Italy” авиаконпаниясига тегишли Боинг-757 самолётига илк бор техник хизмат кўрсатилди. Таъмирлаш ишлари сифати ва муддатни италиялик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Буни бемалол авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича Фарбий Европа бозорига кириш деяр ҳисоблаш мумкин. 2007 йилнинг биринчи ярмида “Uzbekistan Airways Technics” Фарбда ишлаб чиқарилган техникага техник хизмат кўрсатиш маркази ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини 102,7 фоизга бажарди.

Жорий йил миллий ташувчилар учун аҳамиятли бўлди. Май ва июнда “Боинг” авиация-космик корпорацияси билан иккита “Dreamliner” Боинг-787 самолёти ва “Эрбас Индустри” консорциуми билан олти А-320-200 лайнерини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзоланди. Миллий авиаконпания ҳаво

кемалари паркини унификация қилиш дастурини амалга ошириш борасида ҳам дастлабки ишлар бажарилди. Фарбда ишлаб чиқарилган самолётлардан ташқари ўзимизнинг ИЛ-114-110 лайнерларини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Йил охирида “В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акционерлик жамияти авиаконпанияга “Коллинз” фирмасининг энг янги авионикаси ўрнатилган дастлабки иккита машинани etkazиб беради.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиаконпанияси бош директори Валерий Тяньнин сўзларига қараганда, авиаконпания парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва аҳолисининг йўловчилар ҳамда юқлари ташиш борасидаги эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондиришга жиддий эътибор қаратишни давом эттиради. Шу билан бирга, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, авиаконпаниянинг жаҳон авиаташишлар бозорига эгалланган ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият беради.

Истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳар қандай авиаташувчининг устувор вазифаларидан биридир. Авиаконпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни қафолатлайди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” жамоаси Ўзбекистон авиациясининг эртанги уфқлари ҳақида қайғурмоқда. Бу борада компанияни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қўлайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг қўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**В.НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА мухбири**



Кемалари паркини унификация қилиш дастурини амалга ошириш борасида ҳам дастлабки ишлар бажарилди. Фарбда ишлаб чиқарилган самолётлардан ташқари ўзимизнинг ИЛ-114-110 лайнерларини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Йил охирида “В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акционерлик жамияти авиаконпанияга “Коллинз” фирмасининг энг янги авионикаси ўрнатилган дастлабки иккита машинани etkazиб беради.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиаконпанияси бош директори Валерий Тяньнин сўзларига қараганда, авиаконпания парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва аҳолисининг йўловчилар ҳамда юқлари ташиш борасидаги эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондиришга жиддий эътибор қаратишни давом эттиради. Шу билан бирга, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, авиаконпаниянинг жаҳон авиаташишлар бозорига эгалланган ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият беради.

Истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳар қандай авиаташувчининг устувор вазифаларидан биридир. Авиаконпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни қафолатлайди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” жамоаси Ўзбекистон авиациясининг эртанги уфқлари ҳақида қайғурмоқда. Бу борада компанияни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қўлайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг қўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**В.НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ЧЕГАРА ҚўШИНЛАРИ НАМУНАЛИ КўРГАЗМАЛИ ОРКЕСТРИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИДА ЎН ЙИЛ ТўЛАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ОРКЕСТР ЎЗИНИНГ ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.**



— Ҳарбий куй ва қўшиқлар азал-азалдан жангчиларнинг жанговарлигини ошириб, уларнинг кайфиятини кўтарган. Ватан ҳимоячиларини жасурликка, сарҳадларимизни кўриқлашда доимо хушёр туришга ундаб келган. — деди оркестр бошлиғи Владимир Крошечкин. —Юртимизда нишонланаётган тантаналарда эса оркестримиз томонидан ижро этилаётган “Саф учун мусиқа”, “Ўзбекистон”, “Байрамона”, “Кўёшли ўлка” мусикалари байрамларимизга ўзгача руҳ бағиш-

ламоқда. Концерт дастуримизда “Тоҳир ва Зухра” мусикали драмасидан “Отмағай тонг”, “Майсаранинг иши” асаридан “Ҳожи дарға” арийси каби миллий куй ва қўшиқларнинг ижро этилиши муҳислар олқишига сазовор бўлмоқда. МХХ Чегара қўшинлари намунали кўргазмали оркестри 1997 йил августда



ташкил топган бўлиб, ижодий жамоа ўтган йиллар давомида қўлаб ҳарбий тадбирларда қатнашди. Жумладан, чегарачилар учун фойдаланишга топширилган янги турар-жой биноларининг очилиши, ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари, ўқув машғулотларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Жамоа йил сайин махсус мусиқий

салоҳиятга эга ва ҳарбий хизматга лойиқ йигитлар ҳисобига мустаҳкамлашиб бормоқда. Шу кунларда оркестр шахсий таркиби янги концерт дастурини тузиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўряпти. **Хусан СУЛАЙМОНОВ,** “Туркистон-пресс” СУРАТДА: оркестр жамоаси концерт намоийш этмоқда.

**ҲАР ҚАНДАЙ ҚўШИҚ ҲАМ ДИЛГА ЗАВҚ-ШАВҚ БЕРА ОЛМАЙДИ. ЛЕКИН ОНА ВАТАН ҲАҚИДА ЖўШИБ ИЖРО ЭТИЛГАН ҚўШИҚ ҚАЛБИНИЗНИ ЖУНБУШГА КЕЛТИРИБ, ФАҲР-ИФТИХОР ТўЙГУЛАРИНИ УЙГОТАДИ АЛБАТТА. ЗЕРО ЙИЛДАН ЙИЛГА ОБОД ВА КўРКАМ БўЛИБ БОРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ҲАММАМИЗ ЖОНДАН СУАМИЗ, АРДОҚЛАБ, ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ ВА ҲАМИША ВАТАНИМИЗ ҲАҚИДАГИ ҚўШИҚЛАРНИ СЕВИБ ТИНГЛАЙМИЗ.**



Кунни кеча Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ташаббуси билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусида энг яхши қўшиқ ва мусиқий танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 июндаги фармойиши, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 28 июндаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Танловнинг шаҳар босқичи иштирокчилари туманларда «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусида ўтказилган танлов ғолиблари бўлиб, улар ўз чиқишларида она Ватанимиз, Мустақиллигимизни мадҳ этувчи қўшиқларни юракдан жўшиб куйладилар.

— «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусида энг яхши қўшиқ ва мусиқа танлови мамлакатимизда ёшлар қалбида ўзбек халқи буюк аجدодларининг вориси эканлиги билан гурурланиш, мустақиллик гояларини бунёдкор халқимиз ҳаётига таътиб этиш, мамлакатимиз фуқаролари қалбида муқаддас Ватан тупроғини, Мустақилликни, тинчлик ва фаровонликни асраб-авайлаш ҳиссини кучайтириш, юксак баъдий савиядаги янги қўшиқлар ва мусиқий асарларнинг яратилиши ва мазмун-моҳиятини тарғиб этиш учун кенг имкониятлар яратиш каби вазифаларга йўналтирилгандир, — дейди Ўзбекистон Бастакор-

**ТАНЛОВЛАР**

**ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР**

лар уюшмаси раиси ўринбосари, ҳайбат аъзоси Ҳабибулла Раҳимов. — Бугунги танловда шаҳримиз туманларидан 24 нафар ёш ижрочилар ўз санъатларини, иқтидорларини намойён этмоқдалар. Қўшиқларнинг асосий гоёси, мазмуни она Ватанга садоқат, Истиқлолни эъзозлаш, ватанпарварлик руҳидаги, она табиат ҳақидаги қўшиқлардан иборат. Қўшиқлар ва куйлар икки хил — аънавий ҳамда эстрада йўналишида яратилган Нарбўли, улар миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, халқимизнинг бунёдкорлиги, истиқлол даврида эришилган оламшумул ютуқларни таранум этиши, гўзаллиқни, юртдошларимизнинг бой ички оламини, орзу-умидларини акс эттириши лозим. Танловга тақдим этилган асарларни баҳолашда унинг матни, мусиқа ва ижро маҳорати, қўшиқ мусикасининг ўзига хослиги, мавзунинг янгилиги, мазмуни, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат гояларининг юксак баъдий савияда ифода этилганлигига аҳамият берилмоқда. Ёш ижрочиларнинг чиқишларини, уларнинг маҳоратларини синчиқлаб ўрганиб, мунособ баҳолаб бораёلمиз. Иштирокчилар катта тайёргарлик кўришган, буни кўриб турибмиз, лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уйлаймики, келгусида бу камчиликлар бартараф этилади. Албатта. Бугунги танлов ғолиблари уч йўналишда (матн, му-

Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 5 январдаги “Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 14 мартдаги “Ишлаб чиқа-

зам равишда тулунтириб бориш талаб этилади. Яқинда Яққасарой туман Давлат солиқ инспекциясида республика Давлат Солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев билан бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

**ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ**

**СўНГИ ПАЙТЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁДАГИ УЛУШНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҲУҚУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАТОР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА.**

ришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора — тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ва Қарорлари эса тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Аmmo шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари яратилаётган ана шундай қўлайликларнинг мазмун-моҳиятини бирдек англаб етиб, улардан оқилона фойдаланишяпти, деб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва янги қабул қилинаётган қарорларнинг моҳиятини мунта-

қўмита раиси яқинда қабул қилинган ана шу ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида сўз юритаркан, уларнинг мазмун — моҳиятини ҳар томонлама тулунтириб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, давра суҳбатлари ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар солиқ идоралари зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклаганини тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, солиқ идоралари ходимлари иштирок этган ушбу тадбир асосида тадбиркорларни қизқитириш саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарилди.

Тадбир сўнггида келгусида тадбиркорлар билан биргаликда ўтказиладиган давра суҳбатларининг аниқ муддатлари белгилаб олинди.

**ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — ЭЗГУ ИШ**

**“ИЖТИМОЙ ҲИМО ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ҲАМ МУАЙЯН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.**

Жамиятнинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Учтепа туманидаги “Трамвайчи” болалар оромгоҳида бего болалар учун дам олиш ташкил қилинди. Унда пойтахтимиздаги “Меҳригўй” ноғирон болалар клубининг 20 нафар аъзоси, Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус бошқармаси ходимларининг болалари, шунингдек, қорақалпоғистонлик 30 нафар ҳам таъминланган оила фарзанди дам олади.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Учтепа тумани ҳокимлиги маданият бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳордиқ чиқариш давомида болаларнинг билимини оширадиган машғулотлар, жисмоний ҳаракатни ривожлантиришга мўлжалланган ўйинлар, турли спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, болаларнинг маданият ва истироҳат боғларига саёҳатлари ташкил этилади.

— Бундай хайрия тadbирларини ташкил қилишда жамиятимизнинг кўнгилли аъзолари, асо-

**Тиббиёт**

**АЪЛО СИФАТЛИ ПРЕПАРАТЛАР**

**ТОШКЕНТДАГИ «НИҲОЛ» ТАЖРИБА-НАМУНА ЗАВОДИ ЖАМОАСИ ЎЗИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА.**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг онкология ва радиология илмий текшириш институтини негизда 1987 йилда ташкил топган корхона Германия, Италия, Чехия каби давлатлардан олиб келинган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Завод айна кунларда фармацевтик препаратларнинг бир неча хилини чиқармоқда. «Бактериофаг», «Витаспор» каби препаратларни ишлаб чиқариш технологияси ҳам ўзлаштирилди.

Махсулотлар аъло сифатлиги билан импорт ўрнини босаётганлиги сабабли уларга четдан ҳам буюртмалар олинмоқда.

**ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР**

**ТОШКЕНТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ШАҲАР РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.**

Ташкил топганига ҳали кўп бўлмасда туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиги билан боғлиқ тиббий тадбирлар ҳам режали асосда олиб борилмоқда.

Оилавий поликlinikалар шифокорлари учун уюштирилаётган машғулотлар кўпчиликда қизиқувчан бўлмоқда.

Бехатар туғруқ, замонавий контрацептив воситаларга бағишлаб суҳбатлар ўтказишга ҳам киришилди. Шу йўналишда белгиланган ва тасдиқланган дастур асосида маҳаллаларда уюштирилаётган давра суҳбатлари ҳам ўз самарасини бермоқда.

**БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙўЛИДА**

**ИЖТИМОЙ ҲИМО ЙИЛИДА ШАҲРИМИЗ ТЕМИРЙўЛЧИЛАРИ ФАРЗАНДЛАРИ СОғЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАМ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.**

Тошкент минтақавий темир йўл узели тармоқ касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан соғломлаштириш учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

«Чимён», «Назарбек» каби темир йўл санаторийларида ҳозир юзга яқин ўғил-қиз ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Узелнинг пешқадам темирйўлчилари эса ёзги меҳнат таътилини «Сўқоқ», «Қумушқон» пансионатларида ўтказишмоқда.

**Таълим**

**ЎҚУВ ЦЕХЛАРИ**

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИРЗО УЛУҲБЕК ТЕХНОЛОГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИЛМОҚДА.**

Бу ерда 420 нафар ўғил-қиз етти йўналишдаги ихтисосликдан билим ва малака ҳосил қилишди.

«Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш», «Компьютер тармоғида ишлаш» каби билимлар юзасидан амалий машғулотлар ҳам уюштирилди.

Нон-булка, макарон ва қандолат махсулотларини тайёрлаш технологиялари ҳам ўзлаштирилди. Шу мақсадда коллежда иккита ўқув цехи очилди. Улар замонавий техникалар билан жиҳозланди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ажратилган грант маблағи ҳисобидан ҳам замонавий кўргазмали қуруллар олинди.

**200 НАФАР ТАЛАБА ЎҚИЙДИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИДА И.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида»ГИ ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўЛИДА КўРИЛГАН МУҲИМ САЪЙ-ҲАРАКАТ БўЛДИ.**

Бугунги кунда бу университет 40 дан ортиқ мамлакатда ўз филиалларига эга бўлиб, аниқ фанлардан ташқари ҳуқуқшунослик ва ижтимоий фанларга ихтисослашган факультетларида малакали кадрлар тайёрламоқда.

Унинг Тошкент Давлат техника университети, «Ўзбекнефтгаз» корхонаси билан алоқаси ҳам йўлга қўйилган. Тошкент шаҳридаги филиал янги ўқув йилида 200 нафар талаба ёшларни ўз бағрига олади. Нефть ва газ, геофизика усули орқали ва казиб олиш мутахассислари тайёрлаш билан шуғулланадиган филиал факультетларида бир неча кафедра ҳамда лабораториялар фаолият кўрсатади.

**Абу Бақир ҲУСОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**Ақбар АЛИЕВ**

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР

Бир киши ўглини севиб эркаларкан, оталик, оқибатлилик, вафо, марҳамат, шафқат каби туйғуларни хаёлига келтирмаса-да, буларнинг барчаси унинг меҳрида пинҳондир.

Яхшилик ва ёмонлик ажралмасдир, бир нарсасидир.

Яхшилик ёмонликдан айри эмас.

Ўзингда муҳаббат ҳис этишинг ҳамона унинг қувватланиши пайдан бўл.

Сен ҳаракат қил, фойда эса ўзидан ҳосил бўлғуси.

Ҳатто мунофиқ ҳам мўминлар даврасида ўтирса, уларнинг дўстлиги таъсирида мусулмон бўлади.

Ақли одамнинг қўлида ҳатто тупроқ каби жисмлар ҳам гўзаллашади.

Агар инсон бирон ишга жиддий киришиб, доимо у билан машғул бўлса, унинг бу соҳадаги билимдонлиги қолган соҳалардан гофиллиги демасдир.

Дунё ишларига бутунлай ғарқ бўлмаслик, бир нарсага боғланмаслик ва бироз мўтадил ҳаракат этмак лозим.

Энг яхши сўз кўп бўлгани эмас, балки фойдалисидир.

Ҳар қандай ҳийла билан ҳам очликдан қутулиб бўлмайди.

Ширин бир донаким, шоҳ қилган иззат, ўшал дон қошида бор домдан кўрк.

Ёгин-неъматдиру чақмоғи — даҳшат, Хуш айём чоғи шу айёмдан кўрк.

Агар шоҳ лутфидан сармаст эурсан, Шу жомнинг остида бор жомдан кўрк.

Агар шер кулса, сен осуда бўлма, Захар тишли у қонхўр комдан кўрк.

Вафо вожиб эмасдир гўзалларнинг шохига,

Эй заъфар юзли ошиқ, сен сабр қил, вафо қил.

Гар йўлингга аждаҳо бўлса ҳам, ишқ олмосдир,

Шу олмос чақмоқ ила аждаҳони адо қил.

Кечагимдан бугуним яхшироқ.

Гапнинг қисқаси яхши.

Куруқ шох олов бўлиб, жонни иситар бир кун.

Ўзгалар озод этса бандани,

Ишқ банд айлағай озодини.

Одамийлик мардлик, билимдан эмас,

Вафоли, ваъдага содиқ бўлса бас.

Сўзига боқмагил, ишига боққил,

Аҳдин бажармаса, одамлик абас.

Дил, бедор бўлсанг-чи, жаҳон ўтмоқда,

Умримиз бекорга ҳамон ўтмоқда.

Манзилда ухлама, гафлатда қолма,

Умр манзилидан карвон ўтмоқда.

Бу тилсимни пора айлағач афлок,

Поклик покка кетар, тупроққа тупроқ.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Сўлим оромгоҳларда

МУСОБАҚА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ЗИЛОЛА» СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ПНЕВМАТИК ҚУРОЛДАН ОТИШ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Техник ва ҳарбий-амалий спорт турлари асосида ўсмирларни маънавий, жисмоний ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маданий-спорт борасидаги дам олишларини такомиллаштириш мақсадида Маънавият

тарғибот маркази ҳамда мудофаага қўмаклашувчи «Ватанларвар» ташкилотининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилган мусобақалар оромгоҳда ҳордиқ чикараётган болажонларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ёшларимизнинг қандай қизиқиш билан нишга уришга ҳаракат қилишганини кўриб, бундай мусобақаларни тез-тез ташкил этиб туриш лозимлиги ишонч ҳосил қилдик, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раиси Ниғора Абдураимова. — Ҳалабага интилувчан, ташаббускор болажонлар эса албатта келгусида юртимизнинг муносиб ҳиммачилари этиши чиқари.

(Ўз мухбири) СУРАТЛАРДА: оромгоҳдаги мусобақалар маъсундай қизиқарли ўтди.

ФАВВОСЛАРНИНГ АЙТИШИГА ҚАРАГАНДА, СУВ ТУБИГА ЧЎКИБ КЕТГАН ОДАМ УЗОҒИ БИЛАН БЕШ-ОЛТИ ДАҚИҚА ИЧИДА ОЛИБ ЧИҚИЛСА УНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАНИБ ҚОЛИШИ МУМКИН ЭКАН. АКС ҲОЛДА...

Ўтган йили пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги кўчаси яқинидаги сунъий кўлда Шайхонтоҳур тумани, Архангельский кўчасидан чўмилишга келган ака-укалар чўкиб ҳалок бўлишган. Укасининг чўкаётганини кўрган ака дарҳол сувга шўнғийди ва ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бундан саросимага тушган ўртанча ўғил 1987 йилда туғилган А. Мўминов ҳамда унинг амакивачаси 1988 йилда туғилган А. Мўминовлар ога-ини ва қариндошларини кутқармоқчи бўлиб, чўкиб кетаётганларида бахтларига кутқарувчи-ғаввослар етиб келишди ва уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга улғурадилар.

ХАВФЛИ ЖОЙЛАРДА ЧЎМИЛМАНГ

Яқинда шахсий машинасини ювиш мақсадида Бўзсув қирғоғига икки нафар ўғли билан келган М. А. исмли шахс челақда сув оламан деб ўзи ҳам сувга тушиб кетади. Бунга кўриб саросимага тушган 12 ва 8 ёшли ака-укалар отани кутқариш учун ўзларини сувга отадилар. Ота бир амаллаб қирғоққа чиқиб олади. Шу пайтда байдаркада сузиб келаётган нотаниш йигит эса 12 яшар боланинг жонига оро киради. Бирок саккиз яшар болакай отаси ва акасининг кўз ўнғида чўкиб нобуд бўлгач, ғаввослар унинг жасадини сувдан олиб чиқадилар. Далиллардан кўриниб турибдики, сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар кўпинча руҳсат этилмаган ёки кутқарув хизмати ташкил қилинмаган жойларда учрамоқда. Шунинг учун ҳам кишилар

хавфсизлигини таъминлашнинг иложи бўлмаган овлоқ жойларда чўмилишда жуда эҳтиёт бўлишлари зарур.

Айрим маълумотларга қараганда, сувда кўнгилсиз ҳодисалар фақатгина чўмилиш натижасида чўкиб нобуд бўлаётганлардан иборат эмас. Пойтахтнинг Гулҳаний кўчаси яқинидаги Оқтепа майдони орқали оқиб ўтувчи анҳорга енгил автоулов тушиб кетгани тўғрисида маълумот келган заҳоти зудлик билан воқеа юз берган жойга етиб келган пойтахт фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчи-ғаввослари томонидан оқ рангли «Нексия» енгил автоулови қирғоққа олиб чиқилди. Машина ичидан икки фуқаронинг мурдаси топилди. Улар спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда машинада ўтир-

ганлиги аниқланди.

Бу мақолани ёзишимиздан ассий мақсад шуки, ҳар бир эҳтиётсизлик ёши ва жинсидан қатъий назар инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаронинг чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши тавсия этилди. Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боларидаги кўлларда чўмилишда эҳтиёт бўлиш керак. Бундай жойларда болаларнинг назоратсиз чўмилишига йўл қўймаслик талаб этилади.

Пировардида шуни айтмоқчимизки, ҳар бир инсон ўзи ва атрофдагилар учун хавфсизлик чораларини кўрсатганига ўз оиласи ва қариндошларини чуқур қайғуга солиб, ноқулай аҳволда қолмайди. Чунки халқимиз: «Ўтбалоси, сув балосидан ва бемаҳал ўлимдан Яратганининг ўзи асрасин», деб-бежиз айтмаган.

Азамат СУЮЮВ

Спорт янгиликлари

РИНГДА ЎЗБЕК ПРОФЕССИОНАЛЛАРИ

ПОЙТАХИМИЗДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ КЎЛҚОП УСТАЛАРИ РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИНИ ЎТҚАЗИШДИ.

Турнирнинг энг асосий учрашувида Хуршид Мадаминов Акмал Мирзаев билан олти раундлик реитинг жангида куч синашди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган беллашувда Хуршид Мадаминовнинг қўли баланд келди ва у профессионал боксдаги биринчи ғалабасини нишонлади.

Мақсуд Жумаевга қарши тўрт раундлик жанг ўтказган Зоҳид Худойбердиев эса мағлубиятсиз олимнинг давом эттирди. Профессионал боксчилик фаолиятини жорий йилнинг 26 май куни бошлаган Зоҳид Худойбердиев учрашувни очқолар ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, кетма-кет иккинчи мартаба голиб деб топилди. Бокс кечасининг энг шиддатли жанги Шерзод Назаров ҳамда Сарвар Тожибоев ўртасида бўлди. Машғулотларни Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказаяётган Шерзод Назаровга ушбу жангга халқаро майдонда орттирган бой тажрибаси қўл келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунгача Россиядаги бешта жангнинг барчасида голиб чиқиб, рақиблирини тўрт мартаба нокаутга уратган Шерзод Тошкентдаги беллашувни ҳам мuddатидан олдин якунлади. Рақибининг аниқ ва кучли зарбалаб дош беролмаган Сарвар Тожибоев биринчи раунддаёқ мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

Ўзбекистоннинг янги профессионал боксчиларидан ҳисобланган Фарҳод Орипов натижаларини яхшилаб бораётганини намойиш қилди. Жорий йилда илк мартаба рингга кўтарилган умидли спортчининг фаолиятида-

ги дастлабки икки жангида мағлубият ва дуранг қайд этилган эди. Нихоят, Фарҳод Орипов Сардор Мирзаевга қарши ўтказилган жангга очқолар ҳисобида устун келди ва биринчи ғалабасини нишонлади.

Профессионал боксчилик фаолиятини ғалаба билан бошлаган Турсунбой Аблякимов эса иккинчи жангида дебютант боксчи – Ойбек Раҳимовга қарши рингга чиқиб, рақибига ютқазиб қўйди.

ЛЕПЧЕНКО – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲОЛИБАСИ

АҚШНИНГ БОСТОН ШАҲРИДА ТЕННИС БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВАРВАРА ЛЕПЧЕНКО ҒАЛАБАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Мукофот жамғармаси 50 минг АҚШ доллари бўлган мусобақада биринчи рақамли ракеткачи сифатида қайд этилган ҳамюртимиз беллашувларда мексикалик Мелисса Торрес-Сандовални 6:3, 6:2, россиялик Мария Мохни 6:2, 6:0, Жанубий Африка Республикасидан келган Натали Грандинни 6:4, 6:4, индонезиялик Санди Гумуляни 6:2, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Бош соврин учун ўтказилган учрашувда Варавара Лепченко Ирландия шарафини ҳимоя қилган Келли Лигтанга қарши қорғат чиқди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган сўнги учрашувнинг биринчи сетини 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган ҳамюртимиз кейингисиде рақибасига 5:7 ҳисобида имкониятни бой берди.

Нихоят, ҳал қилувчи — учинчи сетда 0:5 ҳисобида ортда қолаётган Келли Лигтанг ўзбекистонлик Варавара Лепченконинг яққол устунлигини тан олиб, учрашувни давом эттирмайдиган бўлди ва бош соврин ҳамюртимизга насиб қилди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 10 август куни соат 11.00 да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносиде ўтказилган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қайтадан қўйилди. Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 мартдаги 10-0716/3181-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Мусахонов (Ҳамза) кўчаси, 2-уй манзилдаги «Тошқилшоқмаш» ОАЖда сақланаятган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.йўқ бўлган «ТТЗ-100 к11» русумли трактор (двиг. №21290941, шасси №002429). Бошлангич баҳоси — 2 200 200 сўм. Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 мартдаги 10-0716/3181 сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Мусахонов (Ҳамза) кўчаси, 2-уй манзилдаги «Тошқилшоқмаш» ОАЖда сақланаятган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.йўқ бўлган «МТЗ-80» русумли трактор (двиг. №814102, завод №066055). Бошлангич баҳоси — 3 000 000 сўм.

Шунингдек: «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 17 июлдаги 135-сониде Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан эълон қилинган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган «Ал-Пари-Инвест» МЧЖ шаклидаги ҚКга тегишли Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уйдаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаятган давлат рақами 10АС706 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GLE» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинди.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдориде закат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альяс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.2020800804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топширилдиган аризаларни ва закат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳужаев кўчаси, 1-уй, тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001 № 000010

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4